# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 18 январь, № 14 (7516) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАҲОН БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 январь куни Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**





Жаҳон банки гуруҳи дунё миқёсидаги етакчи молиявий институт бўлиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янги дастурини амалга оширишда стратегик шерикдир.

Банк экспертлари Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, банк-молия ва солиқ, таълим соҳаларида модернизация ишларини самарали амалга оширишга доир таклифларни ишлаб чиқишда, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда бошқа устувор йўналишларда фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган ва давом эттирилаётган лойиҳаларнинг қиймати 5,5 миллиард долларни ташкил этади.

Ўтган йили ушбу глобал молиявий институт умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган янги истиқболли лойиҳаларни маъқуллади. Навоий вилоятида қуёш электр станциясини қуриш бўйича кимошди савдоси, шунингдек, Вашингтон шаҳрида «Мамлакат платформаси» тақдимоти муваффақиятли ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги яқин ҳамкорлик, очиқ ва конструктив мулоқот натижасида эришилганини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, Сирил Мюллер Жаҳон банки гуруҳи президенти Девид Мелпасснинг самимий саломини етказиб, ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор қайд этди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Муҳим тармоқларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, нефть-газ, транспорт ва бошқа соҳаларда ислоҳотларни давом эттиришга кўмакни кенгайтириш ҳамда қашшоқликка қарши курашиш борасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик бўйича узоқ муддатли янги стратегияни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 75-моддасига мувофиқ:

**Аюпов Шавкат Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги Математика институти директори

**Баситханова Эльмира Иркиновна** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Рафиқов Кудратулла Мирсагатович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

**Рахманкулов Мир-Акбар Ходжи-Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари

**Саидов Сирожиддин Салохович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Сайфуллаев Бахтиёр** — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори

**Санакулов Кувандик** — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси бош директори

**Сафоев Содиқ Солихович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

**Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари

**Турдиев Содиқжон** — Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси

**Ходжиматов Минхажидин Мирзажанович** — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

**Худайбергенов Турсинхан Айдарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси

**Юлдашев Бехзод Садикович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 январь

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ТАЙИНЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида"ги 2020 йил 17 январдаги № ПФ-5918-сон Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 75-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 13 нафар аъзоси иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 январь

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонунларининг 10-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг биринчи мажлиси 2020 йил 20 январь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 январь

---

## «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоселектор шаклида ўтказилган йиғилишда "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгаши аъзолари, республика бошқаруви ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов олиб борди.

Сўзга чиққанлар "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви ва ҳудудий бўлимлар томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда жамғарманинг 2020 йилдаги устувор вазифаларига, шунингдек, оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшлар таълим-тарбиясида кекса авлод вакилларининг ролини янада ошириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Таъкидланганидек, айни пайтда юртимизда 2 миллион 690 мингдан ортиқ пенсионер бор. Уларнинг 680 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 22 минг нафари эса меҳнат фронти фахрийларидир.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 134 туман ва шаҳарда барча қулайликларга эга "Нуронийлар маскани" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2019 йилда иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳаларда узоқ йил ҳалол меҳнат қилган 706 нуроний, шунингдек, фарзандларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб ҳурмат қозонган оналар I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгаши қарорига кўра, шу пайтга қадар жамғарманинг республика бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келган Ш. Жалилов бошқа ишга ўтгани сабабли лавозимидан озод этилди.

Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Содиқжон Турдиев "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р. Қосимов иштирок этди.

**Хуршид ҚОДИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

Россиялик эксперт:

## «ЎЗБЕКИСТОНДАН РОССИЯГА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТИШИ МУМКИН»

*Ўтган ҳафта Москвадаги Ўзбекистон элчихонаси Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2019 йил 31 декабрдаги фармонига биноан, 10 фоиз миқдорида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) солинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига ўзгартиришлар киритилганини маълум қилди.*

Эътироф



Хусусан, ҳужжатга кўра, Россияга имтиёзли ҚҚС билан олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати кенгайди. Бундан буён серқуёш ўлкамиздан экспорт қилинадиган тарвуз, қовун, узум, анжир, олма, нок, беҳи, ўрик, гилос, шафтоли (шу жумладан, нектаринлар), олхўри ва лимон каби меваларга аввалги 20 фоиз ставка ўрнига имтиёзли 10 фоиз қўшилган қиймат солиғи солинади.

Ушбу янгиликни шарҳлар экан, "QBF" молиявий гуруҳининг етакчи таҳлилчиси Олег Богданов қабул қилинган ўзгаришлар Ўзбекистон — Россия савдо ҳажмига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

"Агар бир мамлакат ўз ихтиёри билан маҳсулот тарифларини камайтиришга қарор қилса, бу ҳар доим икки томонлама муносабатлар учун жуда яхши элементдир. Натижада Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланмасининг ортиши шубҳасиз", деб ҳисоблайди эксперт.

Унинг фикрича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортига солиқларнинг камайтирилиши икки давлат савдо айланмасини илк босқичда 100 — 150 миллион долларга, 2020 йилнинг охирига бориб эса бир миллиард долларгача етказишга шароит яратади. "Ўзаро савдо ҳажмининг ўсиши эса, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари ортишига ва Давлат бюджетига тушумлар кенгайишига хизмат қилади".

**Д. АЛИМОВА**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

---

Ўз уйингни, ўз болангни — ўзинг асра

## ЁШЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ КАМАЙМОҚДА

*Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюросида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан "Ўз уйингни, ўз болангни — ўзинг асра" шиори остида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.*

Унда ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икромов мамлакатимизда ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича маълумот берди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликни жиловлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақсадида "Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати" тамойили асосида янги тизим йўлга қўйилди. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ички ишлар органлари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ўтган вақт давомида республиканинг ҳар бир туман, шаҳар ички ишлар бўлимларида 201 та ёшлар масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари лавозими киритилди. Тизим мутасаддилари томонидан ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа турли йўналишлардаги салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда 13 меморандум, қўшма қарор ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус, яъни ёшларни маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, улар ўртасида компьютер саводхонлигини ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонликни тарғиб қилиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

➡ 4

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 85-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2020 йил 16-17 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тегишли қўшма мажлислари баённомаларига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:

### Қорақалпоғистон Республикаси

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Ерниязов Муса Тажетдинович** | 1947 йил | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари. | Нукус шаҳри |
| 2. | **Матмуратов Батир Джолдасович** | 1960 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси. | Тошкент шаҳри |
| 3. | **Атаниязова Орал Аминовна** | 1956 йил | Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали директори. | Нукус шаҳри |
| 4. | **Аннакличева Гулистан Ахмедовна** | 1948 йил | "Қорақалпоқ адабиёти" газетаси бош муҳаррири. | Нукус шаҳри |
| 5. | **Уснатдинов Шарап** | 1942 йил | Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кенгаши раиси | Нукус шаҳри |
| 6. | **Данияров Абатбай Сапарбаевич** | 1987 йил | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси. | Нукус шаҳри |

### Андижон вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Абдурахманов Шухратбек Кушақбаевич** | 1969 йил | Андижон вилояти ҳокими. | Андижон шаҳри |
| 2. | **Мадумаров Толибжон Абдумаликович** | 1959 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раисининг ўринбосари. | Тошкент шаҳри |
| 3. | **Иминов Одилжон Каримович** | 1963 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари. | Тошкент шаҳри |
| 4. | **Ганиева Матлуба Махамажановна** | 1965 йил | Андижон тумани "Орол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси. | Андижон тумани |
| 5. | **Алимов Равшанбек Азадбекович** | 1966 йил | Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги МДҲ давлатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи. | Тошкент шаҳри |
| 6. | **Ғаниев Акром Тўлқинович** | 1981 йил | "Nil-Granit" МЧЖ директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари. | Андижон вилояти, Хўжаобод тумани |

### Бухоро вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Барноев Ўктам Исоевич** | 1964 йил | Бухоро вилояти ҳокими. | Бухоро шаҳри |
| 2. | **Чўллиев Шухрат Аскарович** | 1972 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раисининг ўринбосари. | Тошкент шаҳри |
| 3. | **Хусейнова Абира Амановна** | 1958 йил | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи. | Бухоро шаҳри |
| 4. | **Рахматов Муртаза Ахмедович** | 1958 йил | "Tashkent Cotton Textile Cluster" МЧЖ таъсисчиси. | Тошкент шаҳри |
| 5. | **Гадоев Эркин Файзиевич** | 1959 йил | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Солиқ-божхона сиёсати ва даромадларни прогнозлаштириш департаменти директорининг биринчи ўринбосари — Солиққа тортиш масалалари методологияси бошқармаси бошлиғи. | Тошкент шаҳри |
| 6. | **Ачилов Нурмухамед Нуриллаевич** | 1975 йил | Ғиждувон туманидаги "Парвоз Хумо Равнақ Транс" МЧЖ таъсисчиси. | Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани |

### Жиззах вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Салиев Эргаш Алибекович** | 1956 йил | Жиззах вилояти ҳокими | Жиззах шаҳри |
| 2. | **Пардаев Нусуратулла** | 1950 йил | Жиззах вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси. | Жиззах шаҳри |
| 3. | **Мухторова Назира Абдусаттаровна** | 1966 йил | Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси. | Жиззах шаҳри |
| 4. | **Алимова Халида Рауфовна** | 1951 йил | Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори. | Жиззах шаҳри |
| 5. | **Сиддиқов Рискул Эргашбоевич** | 1976 йил | Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси лойиҳа раҳбари. | Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани |
| 6. | **Суярова Санобар Зарфуллаевна** | 1975 йил | Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли "Умид" мактаб-интернати директори. | Жиззах шаҳри |

### Навоий вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Турсунов Кобул Бекназарович** | 1964 йил | Навоий вилояти ҳокими. | Навоий шаҳри |
| 2. | **Ходжаев Жамшид Бахтиёрович** | 1987 йил | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши раиси. | Навоий шаҳри |
| 3. | **Шарипов Баходир Мавлонович** | 1961 йил | "Навоийазот" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси. | Навоий шаҳри |
| 4. | **Тулекова Зиба Толибековна** | 1960 йил | Томди тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси. | Навоий вилояти, Томди тумани |
| 5. | **Файзиев Улугбек Ганиевич** | 1976 йил | Навоий шаҳри "Zarafshan Golden Group" МЧЖ таъсисчиси. | Навоий шаҳри |
| 6. | **Орзиева Дилбар Адизовна** | 1960 йил | Навоий шаҳар Меҳрибонлик уйи директори. | Навоий шаҳри |

### Наманган вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Бозаров Хайрулло Хайитбаевич** | 1976 йил | Наманган вилояти ҳокими. | Наманган шаҳри |
| 2. | **Нажмиддинов Икромхон Хошимхонович** | 1951 йил | Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Наманган вилояти бўлими кенгаши раиси. | Наманган шаҳри |
| 3. | **Добрих Анна Константиновна** | 1974 йил | Наманган шаҳридаги "Ифтихор кийим саноат" МЧЖ раҳбари. | Наманган шаҳри |
| 4. | **Парпиев Махмуд Маматович** | 1958 йил | "Наманган ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири. | Наманган шаҳри |
| 5. | **Умаров Бахтиёр Ганиевич** | 1979 йил | Наманган туманидаги "Истиқлол текстиль дизайн" МЧЖ бош директори. | Наманган шаҳри |
| 6. | **Абдуллаханов Носирбек Абдурашитович** | 1976 йил | Наманган шаҳар "ANAMED" диагностика маркази директори. | Наманган шаҳри |

### Самарқанд вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Турдимов Эркинжон Оқбутаевич** | 1969 йил | Самарқанд вилояти ҳокими. | Самарқанд шаҳри |
| 2. | **Халмурадов Рустам Ибрагимович** | 1949 йил | Самарқанд давлат университети ректори. | Самарқанд шаҳри |
| 3. | **Алимова Гавхар Зайировна** | 1970 йил | Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси. | Самарқанд шаҳри |
| 4. | **Нормуродов Хасан Норбекович** | 1939 йил | Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими кенгаши раиси. | Самарқанд шаҳри |
| 5. | **Джалолов Шавкат Амонович** | 1970 йил | "Agromir group" директорлар ассоциацияси кенгаши раиси. | Самарқанд шаҳри |
| 6. | **Тошев Фармон Исхакович** | 1954 йил | "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири. | Самарқанд шаҳри |

### Сирдарё вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Мирзаев Ғофуржон Ғаниевич** | 1964 йил | Сирдарё вилояти ҳокими. | Гулистон шаҳри |
| 2. | **Сотиболдиев Улуғбек Норхожаевич** | 1976 йил | Мирзаобод туманидаги "BEK Cluster" МЧЖ қўшма корхонаси бош директори. | Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани |
| 3. | **Уролова Дилфуза Джумановна** | 1968 йил | Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси. | Гулистон шаҳри |
| 4. | **Туйчиев Анвар Мирзаахмедович** | 1969 йил | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари. | Гулистон шаҳри |
| 5. | **Артукбаева Хайтхон** | 1946 йил | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими раҳбари. | Гулистон шаҳри |
| 6. | **Боқиев Фарход Эсанович** | 1980 йил | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи. | Гулистон шаҳри |

### Сурхондарё вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Боболов Тўра Абдиевич** | 1970 йил | Сурхондарё вилояти ҳокими. | Термиз шаҳри |
| 2. | **Тошкулов Абдукодир Хамидович** | 1976 йил | Термиз давлат университети ректори. | Термиз шаҳри |
| 3. | **Соатов Арзикул Чоршанбиевич** | 1941 йил | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари. | Термиз шаҳри |
| 4. | **Сангинов Абдуғани Абдураҳмонович** | 1959 йил | "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқарув раиси. | Тошкент шаҳри |
| 5. | **Кадиров Бахадир Тухтаевич** | 1972 йил | Термиз шаҳридаги "Сурхон саноат қурилиш" компанияси бошқаруви раиси. | Термиз шаҳри |
| 6. | **Бўтаева Бахтигул Абрахматовна** | 1970 йил | Қизириқ тумани 17-умумий ўрта таълим мактаби директори. | Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани |

### Тошкент вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Холматов Рустам Қурбонназарович** | 1961 йил | Тошкент вилояти ҳокими. | Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани |
| 2. | **Кадирханова Малика Акбаровна** | 1967 йил | "Тадбиркор аёл" уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раиси. | Тошкент шаҳри |
| 3. | **Тоиров Маҳмуджон Тўхтаевич** | 1952 йил | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, "Паркент тонги" газетаси муҳаррири. | Тошкент вилояти, Паркент тумани |
| 4. | **Низамходжаев Зайниддин Махаматович** | 1954 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси. | Тошкент шаҳри |
| 5. | **Хурсанов Абдулло Халмурадович** | 1966 йил | "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси. | Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри |
| 6. | **Бурханов Кутбидин Нукритдинович** | 1947 йил | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбари. | Тошкент шаҳри |

### Фарғона вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Ганиев Шухрат Мадаминович** | 1968 йил | Фарғона вилояти ҳокими. | Фарғона шаҳри |
| 2. | **Сидикова Энахон Абдурахимовна** | 1954 йил | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари. | Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани |
| 3. | **Муротова Лола Неъматовна** | 1958 йил | Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги "Нурли Обод" фермер хўжалиги раҳбари. | Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани |
| 4. | **Холдаров Топиболди** | 1942 йил | Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими кенгаши раиси. | Фарғона шаҳри |
| 5. | **Махмудова Робахон Анваровна** | 1958 йил | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилояти Халқ қабулхонаси мудири. | Фарғона шаҳри |
| 6. | **Султанов Иброхим Аширалиевич** | 1969 йил | Қўштепа туманидаги "Исмоилжон гиламлари" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари. | Фарғона вилояти, Қўштепа тумани |

### Хоразм вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Эрманов Фарход Уразбоевич** | 1958 йил | Хоразм вилояти ҳокими. | Урганч шаҳри |
| 2. | **Тажиев Бахадир Садуллаевич** | 1958 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси. | Тошкент шаҳри |
| 3. | **Шарипов Умарбек Куранбаевич** | 1971 йил | Урганч туманидаги "Тилло домор" хусусий корхонаси раҳбари. | Урганч шаҳри |
| 4. | **Дурдиева Гавҳар Салаевна** | 1961 йил | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими — Хоразм Маъмун академияси лабораторияси мудири, грант раҳбари. | Хива шаҳри |
| 5. | **Садуллаева Фарахат Аминовна** | 1960 йил | "Урганч миллий тикувчилик" оилавий корхонаси раҳбари. | Урганч шаҳри |
| 6. | **Курбанов Равшанбек Давлетович** | 1947 йил | "Республика ихтисослаштирилган кардиология тиббиёт маркази" акциядорлик жамияти директори. | Тошкент шаҳри |

### Қашқадарё вилояти

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Мирзаев Зойир Тоирович** | 1968 йил | Қашқадарё вилояти ҳокими. | Қарши шаҳри |
| 2. | **Курбонов Илхам Узакович** | 1961 йил | Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи. | Қарши шаҳри |
| 3. | **Эшматова Феруза Фарходовна** | 1979 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати. | Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани |
| 4. | **Шамсиев Шермат Жўрақулович** | 1963 йил | "Муборак газни қайта ишлаш заводи" МЧЖ директори. | Қашқадарё вилояти, Муборак тумани |
| 5. | **Фозилов Хуршид Ғайратович** | 1976 йил | "Республика ихтисослаштирилган кардиология тиббиёт маркази" акциядорлик жамияти Қарши филиали директори. | Қарши шаҳри |
| 6. | **Иркаев Абдурахим Панджиевич** | 1948 йил | Қарши давлат университети Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси доценти. | Қарши шаҳри |

### Тошкент шаҳри

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | **Артикходжаев Жахонгир Абидович** | 1975 йил | Тошкент шаҳар ҳокими. | Тошкент шаҳри |
| 2. | **Нарбаева Танзила Камаловна** | 1956 йил | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси. | Тошкент шаҳри |
| 3. | **Каланов Рустам Абдухакимович** | 1950 йил | Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси. | Тошкент шаҳри |
| 4. | **Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна** | 1962 йил | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори. | Тошкент шаҳри |
| 5. | **Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович** | 1951 йил | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти директори. | Тошкент шаҳри |
| 6. | **Зиё Азамат Ҳамид ўғли** | 1963 йил | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори. | Тошкент шаҳри |

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 17 январь*

# БАҲСЛИ ВА ТУШУНАРСИЗ ҲОЛАТЛАР ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишга тайёрлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.*

## Янги қонун лойиҳаси

Ҳар иккала лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган.

> Хусусан, лойиҳа **9 та боб**, **70 та моддадан** иборат бўлиб, унда қонун ҳужжатларини қўллашда мавҳум бўлган айрим тушунчаларга («кўчабоши», «уйбоши», «фуқароларнинг вакили») изоҳ берилмоқда ҳамда жамоавийлик, аҳоли олдида ҳисобдорлик ҳамда бошқарувда фуқаролар иштироки каби тамойиллар билан тўлдириляпти.

Биринчи қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад 2013 йилда қабул қилинган амалдаги қонуннинг нормалари тўлиқ қамраб олмаган фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид муносабатларни тартибга солишдан иборат. Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учрайдиган тушунчаларга изоҳ берилиб, уларнинг асосий йўналишлари белгиланган. Шу билан бирга, ваколатлари соҳаларга ажратилиб, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, уларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатишдаги ваколатлари ифодаланмоқда. Фуқаролар йиғинлари раисларининг ижтимоий ҳимояси ва улар фаолияти кафолатига ҳам аниқлик киритилаётир.

Унда тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун нормаларининг самарали механизмларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу пировардида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш орқали қонунни қўллашда турли баҳсли ва тушунарсиз ҳолатлар вужудга келишининг олдини олади. Ўз навбатида, бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асос мустаҳкамланишига, маҳалланинг мавқеи ва нуфузи ошишига, аҳолининг кундалик муаммоларини қонунчилик доирасида ҳал этишдаги иштироки кенгайишига, йиғинлар раислари ижтимоий ҳимояси ва улар фаолияти кафолатлари кучайтирилишига хизмат қилади.

Қолаверса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари соҳаларга ажратилиб, фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда вазифалари белгиланаётир. Айни чоғда фуқаролар вакили, кўчабоши ва уйбошилар фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Бугунги кунда республикадаги мавжуд 9121 та фуқаролар йиғини географик жойлашуви ҳамда аҳоли сони бўйича тоифаларга ажратиляпти. Фуқаролар йиғинларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш, тугатиш, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, ном бериш ва номини ўзгартириш тартиби қонун нормалари билан мустаҳкамланяпти.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда Россия, Қозоғистон, АҚШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Франция, Бразилия, Швейцария, Бельгия каби давлатларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш борасидаги тажрибаси кенг ўрганилди. Лойиҳани замон талабига мослаштириш мақсадида бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган, деб топиш зарурати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот ҳам берилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳам назарда тутилган.

**Абдуллажон ҲАМРОҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

*Ўзбекистоннинг бирламчи ёқилғи-энергетика ресурслари таркибида 97 фоизни нефть ва газ, 2,3 фоизни кўмир ҳамда 0,7 фоизни гидроэнергетика ташкил этади. Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан, унинг салмоғи ҳали етарли даражага кўтарилмаган.*

## Депутат фикри



# АҲОЛИ ҚАЧОН УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ?

Жорий йилнинг 13 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилиш мамлакатимизда электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Дарҳақиқат, юртимизда ушбу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2019 йилда юртимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергияси қувватлари ишга туширилди. Бироқ 2020 йилда электр энергияси истеъмоли 71 млрд. кВт/соатни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан ўртача 9 фоиз, яъни иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳоли истеъмоли эса 8,5 фоиз ошиши кутилаётгани ушбу эҳтиёжларни қоплаш манбаларини аниқ белгилаш ҳамда Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" ижросини сўзсиз таъминлаш муҳим эканини кўрсатади.

Шу ўринда 2020 йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидроэлектростанцияларда 120 мегаватт қувватларни ишга тушириш режалаштирилганини ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3500 мегаваттли буғ-газ қурилмалари, 400 мегаваттли шамол ҳамда шундай қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилганини қайд этиш жоиз.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласи ҳам иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда алоҳида ўрин тутишини инобатга олиб, бу борада электр энергиясини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими кутилган самарани бериши таъкидланди. Шу ўринда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖга жорий йил якунига қадар яна 4,5 млн. дона замонавий ҳисоблагични ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробарга ортади. Шуни инобатга олиб, Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда қуввати 7900 мегаваттни ташкил этадиган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш, шунингдек, инвесторларни жалб этган ҳолда 8000 мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидроэлектростанциялар қувватини 1935 мегаваттга ошириш вазифалари белгиланди.

> **Э**кспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, **2030 йилга** бориб, мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан **2 баробарга** ортади. Шуни инобатга олиб, Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда қуввати **7900 мегаваттни** ташкил этадиган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш, шунингдек, инвесторларни жалб этган ҳолда **8000 мегаватт** қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидроэлектростанциялар қувватини **1935 мегаваттга** ошириш вазифалари белгиланди.

Қолаверса, Президентимиз мутасадди идора ва ташкилотларга мазкур соҳа учун замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифасини қўйди.

Юртимизда 2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури рўёбга чиқарилмоқда. Мазкур дастур анъанавий ёқилғи турларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан алмаштириш ҳамда электр ва иссиқлик ишлаб чиқаришда анъанавий ёқилғи турларидан фойдаланиш салмоғини қисқартириш, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш имконини беради.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқариш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатишни таъминлаш учун технологик база яратилди. 50 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқариш технологияларига эга. Бир қатор хорижий давлатларнинг йирик компаниялари иштирокида фотоэлектрик панелларни, қуёш иссиқлик коллекторларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида "ENESOL" (БАА) компанияси томонидан МДҲ давлатларида ўхшаши йўқ, 1,2 МВт қувватга эга мобил автоном қуёш электр станцияси ишга туширилган бўлиб, у 1,5 минг аҳолига эга кичик шаҳарчани барқарор электр энергияси билан таъминлайди. Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикасининг илғор технологияларини қўллаган ҳолда 130 кВт қувватга эга қуёш электр станцияси ишга туширилди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватли қуёш электр станциясини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда ҳамда яна иккита вилоятда худди шундай станцияларни барпо этиш кўзда тутиляпти.

Президентимизнинг жорий йил 9 январдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида ҳам мазкур соҳага оид бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Умуман олганда, электр энергетикаси тармоғини янада ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш янги Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур соҳадаги устувор вазифаларнинг ўз вақтида, тўлақонли рўёбга чиқарилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш янги шаклланган парламент олдидаги асосий йўналишлардан бири бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ҳамда ҳар бир депутат парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда электр энергетикаси тармоғи ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

***Жуманазар ОТАЖОНОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.***



# ҚУРИЛИШ очиқ, шаффоф ва инновацион соҳага айланади

*Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан қурилиш соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилиниб, мазкур жабҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш, амалиётга инновацион технологияларни жалб қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.*

*Соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Ушбу савол билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига мурожаат қилдик.*

## Танқиддан хулоса

**Шерзод ҲИДОЯТОВ, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Юртбошимиз томонидан қурилиш соҳаси бўйича айтилган барча танқидлар ўринли, албатта. Биз бундан тўғри хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимиз йўналишларини аниқ белгилаб олдик ва уларнинг ижроси юзасидан амалий ишларни бошлаб юбордик. Жумладан, қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятида сифат ўзгаришларига эришиш учун махсус рейтинг ишлаб чиқиляпти. Бу соғлом рақобат муҳити шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, қурилиш ишлари тендерининг ягона мукаммал портали устида ишланяпти. Бу жараёнга чет эллик мутахассис-консультантлар ҳам жалб этилмоқда. Уни 2020 йил июль ойига қадар якунлаш кўзда тутилган. Бунинг натижасида давлат дастурлари ягона портал орқали рақамли шаклда ўтказилиб, шаффофлик тўлиқ таъминланади.

Президентимиз қурилиш соҳасида ҳали ҳам эски меъёрлар ва нормаларга кўра иш олиб борилаётганини танқид қилди. Бу масалани ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқ олганмиз. Унга кўра, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қайта кўриб чиқилади ва шу йилнинг ўзида 196 та янги норма жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу билан тўхтаб қолинмайди. Жараён 2025 йилга қадр давом этади. Мақсад — инвесторлар замонавий ва мураккаб объектларни қуришда ҳеч қандай муаммо юзага келмаслиги керак. Бинобарин, шаҳарларимиз кўриниши тубдан ўзгариши, юртимизда ҳам илғор давлатлардаги каби жозибадор лойиҳаларни амалга оширишга эришишимиз лозим.

Соҳадаги яна бир муҳим масала — энерго-аудит ва қурилиш материаллари сифатини баҳолаш йўлга қўйилмагани. Бу камчиликни бартараф этиш учун Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда энергия тежамкор технологиялар жорий қилган қурилиш корхоналарига энергия тежаш даражасига қараб баҳо бериш бўйича стандартлар ишлаб чиқяпмиз. Эндиликда бино ва иншоотлар уларнинг энергия тежамкорлик хусусиятига кўра A+, B, C, D каби даражаларга ажратилади. Жорий йилнинг август ойида мазкур тизимни тўлиқ ишга туширишни мақсад қилганмиз.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан қурилиш соҳасида рақамлаштириш чора-тадбирлари ҳам бошланди. Яъни бу йўналишда электрон дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Унинг биринчи босқичида геоахборот тизими тайёрланиб, унга Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик бош планлари жойлаштирилади. Мазкур тизимни жорий йилнинг 1 мартида ишга туширамиз. Юртимизда фаолият бошламоқчи бўлган хорижий инвесторлар қаерда қандай қурилиш ишларини олиб бориш мумкинлигини шу тизим орқали бемалол билиб олишлари мумкин бўлади.

Иккинчи босқичда эса қурилиш назоратини тўлиқ рақамлаштирамиз. Бу, аввало, назорат инспекторларига қулайлик яратиб, кузатув учун вақт сарфи ҳам анча камаяди, муҳими, ишнинг сифати яхшиланади. Шунингдек, жараён рақамлаштирилгач, вазирлик томонидан инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилишга эришилади. Натижада коррупциянинг олди олиниб, жараён шаффофлашади. Бу билан, ўз навбатида, тадбиркор пудратчилар фаолияти ҳам осонлашиб, ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликка барҳам берилади.

Қурилиш экспертизасини рақамлаштириш деганда жараён тўлиқ электрон тизимга ўтиши назарда тутилган. Бунда лойиҳачи масофадан туриб, интернет орқали лойиҳасини экспертиза бошқарувига жўнатади, экспертлар эса уни кўриб чиқиб, эътирозли ўринлари бўлса, интернет орқали лойиҳачига қайтариб жўнатади. Тайёр ҳолда бўлса, қабул қилади. Мазкур тизимнинг қулайлиги шундаки, инсон омилига чек қўйилади. Ҳатто лойиҳачи ва унинг ишини кўриб чиққан инспектор бир-бирини кўрмайди.

Лойиҳа ташкилотлари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш мақсадида вазирлик расмий сайтига қурилиш жараёни калькулятори жойлаштирилади. Бу нима дегани? Истаган киши — хоҳ юртдошларимиз, хоҳ хорижий инвестор бўлсин, ундан бемалол фойдаланишлари мумкин. Дейлик, улар Ўзбекистонда бирор объект қурмоқчи. Бунинг учун ишни нимадан бошлаш керак, қандай жараёнлардан ўтилади ёки қайси ҳужжатлар талаб этилади, ҳаттоки, сарфланадиган маблағ ҳажми ва вақти ҳам аниқ кўрсатилган бўлади. Бу қулайлик 2020-2021 йиллар давомида яратилади.

Шунингдек, қурилиш соҳасидаги таълим сифатини бугунги кун талабига мослаштириш, ривожланган давлатларнинг илғор пед-технологияларини қўллаш, моддий-техника базасини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, хорижий давлатларнинг архитектура ва қурилиш йўналишидаги олий таълим муассасалари филиалларини очиш режалаштирилмоқда.

Умуман олганда, қурилишни иқтисодиётимизнинг очиқ, шаффоф ва инновацион соҳасига айлантириш учун барча имконият ишга солинмоқда.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОН

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4268-сонли қарорига мувофиқ ҳамда «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти тизимидаги «Surxondaryo Agroservis МТП» МЧЖнинг «Oltinsoy Agroservis МТР-2017» МЧЖ устав жамғармасидаги улушлари бўйича «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

1. Очиқ танлов савдосига «Oltinsoy Agroservis МТР-2017» МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши, ушбу МЧЖнинг ягона таъсисчиси «Surxondaryo Agroservis МТП» МЧЖнинг 2020 йил 3 январдаги 01-ТЙБ-йиғилиш қарорига ва «Surxondaryo Agroservis МТП» МЧЖнинг 2020 йил 14 январдаги 1/3-20-буюртманомасига асосан қўйилмоқда.

Олтинсой тумани, Бўстон маҳалласида жойлашган «Oltinsoy Agroservis МТР-2017» МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши. Балансда сақловчи: «Surxondaryo Agroservis МТП» масъулияти чекланган жамияти. Фаолияти ихтисоси: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизация ва сервис хизмати кўрсатиш.

- ***Бошланғич баҳоси — 5 073 018 826 сўм.***

**Танлов савдосининг асосий шартлари:**

1. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ҳамда юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин.

2. Танлов савдоларида қатнашувчи талабгорлар томонидан улуш бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига туширилиши керак.

3. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, буюртманомани икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда; жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда.

4. Танлов иштирокчиси ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:

— Машина-трактор паркининг асосий фаолият (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

— мавжуд ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

— Машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

— жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар, қўшимча инвестиция киритиш юзасидан таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

— улушга бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдордаги энг юқори сотиб олиш қийматини таклиф қилиш;

— сотиб олиш қийматини энг қисқа муддатда тўлаш бўйича таклифлар;

— Машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш бўйича таклифлар;

— иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифлари жойланган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2020 йил 19 февраль куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида бошланади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари қатнашишлари мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2020 йил 18 февраль куни соат 18.00 гача. Таклифлар тушмаган ёки танлов ўтказилмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2020 йилнинг 6, 24 март ёки 9, 24 апрель кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб савдо ғолибига 10 банк иш куни муддатида жамиятнинг ягона иштирокчиси «Surxondaryo Agroservis МТП» МЧЖ ва «Ўзагросервис» АЖ билан уч томонлама олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини олдиндан (ариза буюртманома топширилгунига қадар) савдо ташкилотчиси — «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: «Трастбанк» ХАБ Термиз филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

**Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ масалалар бўйича мурожаат қилиш учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй. Тел.: 76-223-15-82.**
**веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user100@inbox.uz.**

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

*Гувоҳнома: 972.*

31J/

# ҚАРЗ БЕРИБ КУЙИБ ҚОЛМАЙ ДЕСАНГИЗ...



*Кишилик жамиятининг гўзал одатларидан бири бу муҳтожларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ушбу одат қариндош-уруғ, қўни-қўшни, таниш-билиш ва ҳамкасблар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, асосан, икки хил кўринишда амалга оширилади.*

*Аввало, беғараз, холисона моддий қўллаб-қувватлаш, қайтиб олмаслик шарти билан ҳадя, тўёна ёки садақа, совға тарзида бериладиган ёрдам бўлса, кейингиси қайтариб бериш шарти билан вақтинча қарзга пул ёки бошқа моддий неъматни бериб туришдир.*

## Долзарб мавзу

Афсуски, кейинги пайтларда қарз бериш натижасида одамлар ўртасида турли низо ва муаммолар, зиддиятлар келиб чиқмоқдаки, бу ҳар биримизни ташвишлантириши шубҳасиз.

Ўтган йилда пул ва бошқа қимматликларни қарз ниқоби остида олиб, қайтармагани боис 77 нафар шахс жиноий жавобгарликка жалб қилингани, шундан 31 нафарига озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлангани, қолганларига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгилангани ҳам бу борадаги вазият жиддий эканлигини кўрсатади.

Йил давомида фуқаролик ишлари бўйича судларга қарзни ундириш юзасидан 13 минг 509 та даъво аризаси берилган бўлиб, шундан 10 минг 64 тасини қаноатлантириш, жавобгарлардан жами 132 миллиарддан зиёд қарз суммасини даъвогарлар фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилган. Шунингдек, 509 та даъво талаби асоссизлиги боис рад этилган, 502 та ҳолатда жавобгар тараф даъвони тан олиб, пулни қайтаргани сабабли фуқаролик иши тугатилган.

Хўш, бундай ҳолатлар кўпайишига сабаб нима?

Кўп ҳолатларда ўртадаги ишонч ҳамда истиҳола сабаб қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги бу муносабат қонуний расмийлаштирилмайди. Натижада қарз олувчининг ноинсофлиги ёки тўлов имконияти йўқлиги сабабли қарзни қайтариш масаласида низо пайдо бўлади. Шу маънода, ушбу ҳаракатларни, яъни қарз олди-бердисини қонунийлаштириш айни муддаодир.

Фуқаролик кодексининг 41-бобида қарз ва кредит масалаларига доир нормалар баён этилган бўлиб, унга кўра, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси, агар қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қарз шартномаси ёзма шаклига риоя қилмаслик ФК 109-моддасида кўзда тутилган оқибатга олиб келади, яъни битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо келиб чиққан тақдирда тарафларни битим тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳлар кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Амалиётда оддий ёзма битим тузилмаган ҳолатларда гувоҳлар кўрсатувига асосланган ҳолда, қарз ундириш ҳақидаги талабни ёки айрим ҳолатларда қарзнинг қайтарилганлигини тасдиқлашга оид талаблар кўплаб учрайди. Ваҳолонки, келтирилган қонун нормасида, битим тузишнинг оддий ёзма шаклига риоя қилинмаган ҳолатларда, унинг тузилганлигини, мазмуни ёки бажарилганлигини гувоҳлар кўрсатувлари билан тасдиқлаб бўлмаслиги аниқ белгиланган.

Қарз олди-берди қилишда ўзаро ишонч ва ҳурмат яхши нарса, лекин мабодо қарз олувчи вақт ўтиб, олган қарзини тан олмаса ёки тан олса-да, "қайтарганман", деб туриб олса, иккала тараф ўртасида низо келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам қарз олди-бердисини нотариал расмийлаштириш ёки оддий ёзма битим (тилхат) орқали расмийлаштириш лозим. Бунда қарз олувчи қарз олди-бердисини расмийлаштиришда ташаббус кўрсатиши лозим.

Шу сабабли келгусида қарз шартномаси тузиш тартибига ўзгартириш киритиб, махсус ҳимояланган ҳамда рақамланган бланкалар чиқариш ва уларни нотариал тасдиқланган қарз шартномасига тенглаштириш масаласини қонунчиликка киритиш таклифини илгари суряпмиз. Қарз олувчи бланкани сотиб олади, у ва қарз берувчи томонидан тўлдирилиб, имзоланади. Агарда қарз муддатида қайтарилмаса, муаммони судсиз, нотариал идорага ижро хати бериш орқали ҳал этиш имконияти юзага келади.

Қарз берувчиларнинг иккинчи тоифаси қарз бериш орқали фойда кўрувчилар (судхўрлар) бўлиб, улар маълум фоиз эвазига, албатта, кафиллик ҳисобига қарз берувчилардир.

Улар кўп ҳолатларда берган қарзлари эвазига гаров шартномаси тузиш ўрнига, нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида қарз беради. Қарз вақтида қайтарилмаган ҳолларда қарз берувчи нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида уйини ёки бошқа мулкни сотиб олганлигини, ўртада ҳеч қандай қарз олди-бердиси бўлмаганлигини билдириб, қарздорни уйдан кўчириш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилади. Бунда, қарз олувчи қонуний, нотариал тасдиқланган ҳолда тузилиб, ўзи томонидан имзоланган олди-сотди шартномаси — қарз эвазига тузилганлигини ҳар доим ҳам асосли далиллар билан исботлай олмайди.

Шундай вазиятга тушиб қолмаслик учун, албатта, қарз шартномасини қонуний расмийлаштириш лозим. Агарда қарз берувчи гаров талаб қилса, гаров (олди-сотди эмас) шартномаси расмийлаштириш керак ва бу турли низолар келиб чиқишининг олдини олади.

Қарз олувчиларни ҳам икки тоифага бўлиш мумкин. Бунда ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлиб, қарзни кейинчалик қайтариб бериш ниятида олганлар биринчи тоифани ташкил этади. Улар турли сабабга кўра қарзни қайтармаса, қарз берувчининг судга мурожаати асосида қарз суммаси, кечиктирилган муддат учун фоизлар ва давлат божини тўлашга мажбур бўлади.

Иккинчи тоифадагилар бошидаёқ қарзни қайтариш нияти бўлмайди, яъни қарз берувчини алдайди, унинг мулки ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритади. Натижада бу тоифадаги "қарз олувчи"нинг фирибгар сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси бўйича жиноий жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Хулоса шуки, эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлаш, яъни керак бўлганда қарз бериш эзгу одатлардан биридир. Аммо у билан боғлиқ барча жараённи рисоладагидек бажариш юқоридагидек мураккаб вазиятларга тушиб қолишимиздан сақлайди.

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари.**

**ЎТГАН ЙИЛДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА ҚАРЗНИ УНДИРИШ ЮЗАСИДАН:**

**13 минг 509 та** даъво аризаси берилган.

Шундан
- **10 минг 64 таси** қаноатлантирилди,
- **509 та** даъво талаби асоссизлиги боис рад этилди,
- **502 та** ҳолатда жавобгарлар даъвони тан олиб, пулни қайтаргани сабабли фуқаролик иши тугатилди.

# ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

*Аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, бунинг учун илғор инфратузилма ва қулай шарт-шароитга эга замонавий шифо масканларини ишга тушириш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Қўлга киритилаётган дастлабки натижалар эса мазкур соҳа яқин келажакда инновацион тараққиётга эришишидан далолат бермоқда. Зеро, тиббий хизмат самарадорлиги ва сифатига баҳо беришда мезонлар ўзгарган. Бу жараёнда асосий урғу статистик маълумотларга эмас, балки халқимиз тизимни қандай баҳолаётгани, аҳоли тиббий хизматлардан нечоғли баҳраманд бўлаётганига қаратилмоқда.*

## Хизмат

Айтиш жоизки, тиббий хизматни юксалтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватлаб келиняпти. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий миллий банкининг, айниқса, иштироки катта. Тошкент шаҳридаги "Yunusobod Medical Center" масъулияти чекланган жамияти бунёд этилишида ҳам мазкур молия муассасаси томонидан Хитой Эксимбанки кредит линияси ҳисобидан ажратилган кредит қўл келди. Натижада 2019 йилнинг охирида ушбу замонавий шифо маскани ишга туширилиб, халқимизнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга камарбаста бўлмоқда.



— "Ўзмиллийбанк" томонидан ажратилган 800 000 АҚШ долларилик кредит эвазига хорижнинг ўндан ортиқ компанияларидан энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар ва жиҳозлар олиб келдик, — дейди тиббиёт муассасаси раҳбари Зоир Бекназаров. — Ультратовушли диагностика тизими, электрокардиограф, электрохирургия коагулятори, тиббий видеоэндоскоп, пневматик ва ультратовушли литотрипсия тизими, электрохирургия генератори сингари тиббий техникалар шулар сирасига киради.

Айни пайтда марказда 50 нафарга яқин юқори малакали шифокорлар фаолият юритаётган бўлиб, улар томонидан кўплаб мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Урология, эндоурология соҳасида танани кесмасдан, лапороскопик усулда бажарилаётган жарроҳлик амалиётлари бунга мисол бўла олади. Бу эса беморлар кундалик ҳаётга тез қайтишига имкон бермоқда.

Реклама ўрнида



"Yunusobod Medical Center" МЧЖ хориждаги етакчи тиббий клиникалар билан хамкорликни йўлга қўйиб, ўзаро тажриба алмашаётгани муваффақиятлар бардавомлигини таъминлаяпти. Хусусан, 2019 йилнинг 29 ноябрь — 2 декабрь кунлари Германия, Италия ва БААдан ташриф буюрган малакали мутахассислар иштирокида семинар ташкил этилди. Унда тиббиётнинг урологик, эндоурологик, гинекологик йўналишларидаги даволаш ишлари юзасидан тажриба алмашилди.

Бу юртимизда нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг истиқболли лойиҳалари ижроси учун ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар самарасидир.

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЁШЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ КАМАЙМОҚДА

← 1

Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида жиноят содир этган 620 ёшга нисбатан енгилроқ, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, улардан 580 нафарининг бандлиги таъминланди. Адашиб жиноят содир этган 88 минг 343 ёш профилактик ҳисобга олиниб, улар билан ўтказилган якка тартибдаги профилактик ишлар натижасида 42 минг 771 нафари соғлом турмуш тарзига қайтарилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ёшлар ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасизлик муҳити шаклланмоқда. 2019 йилда ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 2 минг 883 тага камайгани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда вазирлик томонидан мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш борасида режалаштирилган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилда ёшларни турли салбий омиллардан асраш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида "Ўз уйингни, ўз болангни — ўзинг асра!" шиори остида кенг кўламли профилактик тадбирлар ўтказилади. Тарғибот тадбирларида ёшлар онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш борасида ишлар олиб борилади.

Ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга холис ёндашган ҳолда ёшларнинг турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантиришга эътибор қаратилади. «Темурбеклар» мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг махсус гуруҳлари ва ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштирилади. Ёшлар ўртасида китобхонлик кенг тарғиб этилади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ҚИБРАЙ «ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ» ҲАРБИЙ-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИГА ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги "Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4375-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тасарруфида Қибрай "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи ташкил этилмоқда.

Мазкур лицейга юқори билим даражали, интеллектуал салоҳият ва профессионал маҳоратга ҳамда камида **5 йил узлуксиз педагогик иш стажига** эга бўлган ўқитувчиларни **ишга таклиф қиламиз**.

"Темурбеклар мактаби"нинг ўқитувчилари ва бошқа ходимларига "Темурбеклар мактаби"нинг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари тизими татбиқ этилади. "Темурбеклар мактаби" ишчи ва хизматчилари сонидаги ходимларининг **базавий тариф ставкалари**:

ўқитувчилар учун — 5 баробар;

психолог учун — 3 баробар;

ахборотлаштириш ва алоқа бўлинмалари ходимлари — 2 баробар оширилган миқдорда тўланади.

**"Темурбеклар мактаби"да ишлаш учун қуйидаги фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар ишга таклиф этилади:**

- она тили ва адабиёт;
- рус тили ва адабиёти;
- тарих;
- инглиз тили;
- физика;
- астрономия;
- алгебра;
- геометрия;
- кимё;
- биология;
- география;
- маънавият асослари;
- давлат ва ҳуқуқ асослари;
- жисмоний тарбия;
- информатика ва ахборот технологиялари;
- чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик.

"Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейига **ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинади**.

**"Темурбеклар мактаби"нинг манзили:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика шаҳарчаси (Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўрнида).

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Қибрай "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейида ишлашни хоҳловчи ўқитувчилар 2020 йилнинг 10 февралига қадар ДХХ Институтига (Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй) ёки 71-252-92-30 телефонига мурожаат қилишлари мумкин.**




Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

**Носир АТАБАЕВнинг**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти жамоаси илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор муовини Абдушукур Абдуҳалилович Саримсоқовга падари бузруквори

**Абдуҳалил ота САРИМСОҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6